БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 299 (4098)
29 ДЕКАБРЬ, 1979 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● Тошкент—мамлакатга

Тбилиси буюртмасига биноан

БУГУН

«Гипрониполиграф» лойиҳа ва илмий тадқиқот институтининг Тошкент филиалида Ф. В. Ким бошчилик қилаётган архитекторлари группаси Тбилиси шаҳрида қуриладиган офсет-босма фабрикасининг лойиҳасини тугатишди.

Этикетка ва тасвирий санъат репродукцияларини ишлаб чиқарадиган бу фабрика лойиҳага биноан икки-тўрт қаватли ишлаб чиқариш корпуси — ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший бинолардан иборат бўлади. Улар бир-бири билан ўтиш йўлаклари орқали туташади. Корхона қуриладиган жойнинг сатҳи тоғли бўлганлиги учун бино комплектини поғоналаб ўрнатиш тавсия этилди. Бундай усул билан фабриканинг архитектурик қиёфаси ўзига хос чирой очади.

Офсет — босма усули химиявий реактивлар ва катта миқдорда сув сарфлаш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам лойиҳачилар саноат оқоваларини тозалайдиган станция, ҳавони вентиляция ва мўътадил қиладиган тармоқлар қурилишини ҳам ҳисобга олишди.

Ишчи ва хизматчиларга яхшигина меҳнат шароити яратилади. Баланд ва кенг ёруғ цехлар замонавий материаллар билан пардозланади. Маъмурий корпусда медицина пункти, ошхона, буфет, гардероб, қизил бурчак бўлиши кўзда тутилган.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Вақтдан ўзиб

Қурилиш механизацияси трестининг 4-механизация бошқармаси меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайтадан қараб чиқдилар. Коллектив аъзолари беш йилликнинг тўрт йили топшириғини адо этиб, топшириққа қўшимча 200 минг сўмлик ҳажмда иш бажариш юзасидан зиммага олган мажбуриятини ҳам бажариш арафасида турибдилар.

Эришилаётган ютуқларга бошқарма машъаллари салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Бошқарманинг олти нафар ишчиси икки беш йиллик топшириғини бажариб қўйди. Меҳнат беллашувида эса Л. Головачук, В. Шевченко, Н. Абдуевский сингари илғор ишчилар бошқаларга намуна бўлишмоқда. Бу илғорларнинг ҳаммаси улуғ доҳий туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш иштиёқида ишлаб, иш суръатини тобора оширмоқдалар.

Резервлар ҳисобига

5-таксомотор парки коллективи шу кунларда 1980 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдаланаётган коллектив аъзолари бундан ярим ой илгари йиллик топшириқ бажарилганлиги ҳақидаги рапортга имзо чеккан эди. Автохўжалик меҳнаткашлари топшириққа қўшимча 375 минг сўм давлатга фойда келтиришга аҳд қилган эди. Шу кунларда ана шу юксак аҳдга яраша ишланмоқда.

Корхонада ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Ана шу туфайли бу ерда йиллик топшириқларини бажариб, вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган ишчилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. А. Жуков, Т. Юнусов, В. Зуев сингари илғорлар ана шулар жумласидандир.

Коллектив аъзолари топшириқларни ортиғи билан бажариш билан бир қаторда аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга ҳам асосий эътиборни қаратмоқдалар. Корхонанинг барча ҳайдовчилари 1980 йилни ёруғ юз билан қаршиламоқдалар.

Токарь Ботир Қосимовнинг номини «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Илғор ишчи ўзининг меҳнатсеварлиги билан биргина 1-механика йиғув цехининг эмас, бутун бирлашма меҳнат аҳлининг олқишига сазовор бўлиб келяпти. Смена топшириқларини 20—30 процент ошириб адо этиб келаётган токарь Ботир Қосимов янги йилни муносиб кутиб олмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев Кармал Бабракни Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош Министри қилиб сайланганлиги муносабати билан самимий қутлайди.

● Кеча Тошкентда Халқаро болалар йилини ўтказиш республика комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлди.

● Республика «Ленин учқуни» пионер газетаси чиқа бошлаганига ярим аср бўлди. Кеча газетанинг юбилейига ва унинг «Ҳурмат Белгиси» орденни билан мукофотланишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Халқаро болалар йили якунига доир

Бекиёс ғамхўрлик

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «ЮНЕСКО» ташкилоти эълон қилган Халқаро болалар йили ниҳоясига етиб бормоқда. Бу тадбир Тошкент шаҳрида қандай нишонланди? Мухбиримиз ана шу савол билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Хосият Ёқубовна Ёқубжоновага мурожаат этди:

— Партия ва ҳукуматимиз Советлар мамлакатида ҳар бир фарзанднинг соғлом, камолотли бўлиб тарбияланиши учун ҳамма шароитларни муҳайё қилмоқда. Айниқса, бу ғамхўрликлар Халқаро болалар йилида ўзининг кенг ифодасини топган. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети болалар йилини мазмунли ўтказиш мақсадида тадбирларнинг комплекс планини тасдиқлаган эдилар. Шунга биноан ўтказилган жуда кўп тадбирларнинг асосий моҳияти фарзандларимиз учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳар бир вақтини қувноқ ва мазмунли ўтказишга қаратилди.

Йил давомида болаларга медицина хизмати кўрсатиш масалалари бўйича тузилган координацион совет қизғин ишлади. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи бўйича конференция, «Энг яхши нарсалар — болаларга» деган кенгаш ва турли йиғилишлар ўтказилди.

Халқаро болалар йилида 1979 йил бюджетини сарфлашда қўшимча 251 минг сўм пул ажратилди.

Шаҳар Советининг VIII сессиясида маориф учун 172 минг сўм, соғлиқни сақлаш учун 79 минг сўм маблағ қўшимча ажратилганлиги тасдиқланди.

Йил давомида болалар соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника билан жиҳозланиши анчагина яхшиланди. Юнусобод массивида 500, Қорасув массивида 250 ўринли поликлиника, медицина институтида 200 ўринли болалар бўлими, Фрунзе, Киров, Куйбишев районларида болалар стоматология поликлиникалари очилди. Юнусободда 300 ўринли кўп профилли касалхона ишга тушди. Собир Раҳимов районида 25 минг порция сут таомлари ошхонаси қурилиши бошланди.

Қўғирчоқ театрининг янги биноси қурилиши болаларимиз учун арзигулик воқеалардан бири бўлди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари қўғирчоқ театрларининг халқаро фестивали ана шу театр очилиши билан ҳамоҳанг бўлиб кетди.

Халқ маорифи Бош бошқармаси йўли билан мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар қурилишини авж олдиришга катта эътибор бериляпти. Шаҳардаги 245 та мактабда 250 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда, мактабгача ёшдаги 596 муассасада 126 мингдан зиёд бола тарбияланмоқда. Кейинги уч йил ичида 27 минг ўқувчи ўринли 20 та янги типовой мактаб ишга туширилди.

Бу йил халқ маорифи эҳтиёжи учун 75 миллион сўмдан зиёд пул ажратилди. Айниқса болаларнинг мактабда овқатланишига катта аҳамият берилмоқда. 235 та мактабда иссиқ овқат ташкил этилган. Бу йил саккизта мактабда 1070 ўринли овқатланиш блоклари ишга туширилди.

1 июнда ўтказилган «Болаларни ҳимоя қилиш куни» ғоятда мазмунли бўлди. Шу куни Тельман номли маданият ва истироҳат боғида эркатойларимизнинг катта сайли ташкил этилди. Шаҳарда ўқувчи ва мактабгача ёшдаги болаларни эстетик тарбиялаш борасида катта тажриба тўпланган. «Санъат байрами», «Болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталиги», «Қўшиқ байрами» маросимларини ўтказиш бўйича яхши тажриба тўпланган.

Кейинги пайтларда пионерлар лагерларининг тармоқларини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йили 1-уйсозлик комбинати, область маиший хизмат бошқармаси, «Промгражданстрой» тресті сингари ташкилотларнинг янги пионер лагерлари очилди. Йил давомида шаҳар ташқарисида ишлаган 53 та лагерда 53 мингдан зиёд ўқувчи дам олди. Шаҳар пионер лагерларида эса 29 мингдан ортиқ бола ҳордиқ чиқарди. Санаторий типидаги лагерда 12 минг бола саломатлиги яхшиланди, меҳнат ва дам олиш лагерларида 8 мингдан ортиқ ўқувчи бўлди.

Шаҳар мактабларида ҳуқуқ билимлари университетлари ишлаб турибди. Турар жойларда маданий-оммавий физкультура ишларини ташкил этишга 119 минг сўм сарфланди. Ҳозирда ЖЭКларнинг ихтиёрида 910 та ўйин ва 105 та ёзги саломатлик майдончаси, 233 та ҳовузлар бор.

Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базаси ҳам анча яхшиланди. Шу йили 150 минг сўмлик ўйин автоматлари ўрнатилди. Ленин номли болалар боғининг майдони 22 гектарга кенгайтирилди. Унинг хиёбонлари яхшигина ободонлаштирилди.

Халқаро болалар йилида жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Шу нарсани мамнунлик билан айтиш мумкинки, бизнинг совет жамиятимизда ҳар бир фарзандга тўла-тўкис ғамхўрлик қилинмоқда.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

(БАЙРАМОЛДИ РЕПОРТАЖИ)

Хуршид кўчаси ва Ленин проспекти туташган жойда барпо этилган тўққиз қаватли турар жойда байрам тараддуди кўриляпти. Радиодан таралаётган куйлар, болаларнинг гап-сўзлари қулоққа чалинади. Бинонинг ёнида эса яна бир тўққиз қаватли уйда сўнгги пардоз ишлари бажариляпти.

— Бу уйни ҳам биз қурган эдик,— дейди Валентина Григорьевна Савельева кўркам уйга фахр билан тикилар экан.— Мана бир-икки кундан сўнг бу ерда ҳам уй тўйлари авж олиб кетади.

Мен илғор бўёқчилар бригадасининг бошлиғи билан суҳбатлашяпман. Агарда Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинати 25-қурилиш бошқармасида бўлиб, пешқадам коллективлар тўғрисида сўрасангиз, албатта В. Савельева бошлиқ бригада аъзоларининг номларини тилга олишади. Беш йилликнинг тўртинчи йилида бригада жуда катта марраларни кўзлаган эди. Улар йил давомида унумли иш олиб боришиб, кўзлаган мақсадларига эришишди. Тўрт йиллик планни муддатидан илгари — СССР Конституцияси қабул қилинган кун арафасида бажаришди. Йиллик план ҳам муддатидан барвақт адо этилди. Ҳозир коллектив аъзолари келгуси йилнинг сўнгги квартали меҳнат календари бўйича иш юритишмоқда.

— Нега баъзи бригадалар илғору, айрим коллективлар планни зўрға бажаришади?

— Бу менимча кўп жиҳатдан ишни яхши ташкил этишга боғлиқ бўлса керак,— деди В. Савельева саволимга жавобан.— Агарда бригада аъзоларининг малакаларига қараб иш тақсимланмаса, улар ўртасида ишга нисбатан масъулият сусайган бўлса ишда, унум бўлмайди. Биз доим янги объектда иш бошлашдан олдин бригада аъзолари билан тўпланишиб, ишни тезроқ тугатиш учун қандай ишлаш кераклигини фикрлашиб оламиз. Чунки, материални қаерда сақлашдан машина ва механизмларни қайси жойга ўрнатиш, кийим алмаштириш, дам олиш хоналарини бинонинг қайси қаватига жойлаштиришгача бўлган ишлар ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга бевосита даҳлдордир.

— Бу бригада кўп йиллардан бери Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаяпти,— дея суҳбатга қўшилди участка бошлиғи Михаил Антонович Лада, — бу усул ишни ташкил этишда, қурувчиларнинг тез ва сифатли ишлашига кенг йўл очади. Энг муҳими қурувчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигининг ўсишида катта аҳамиятга эга.

Бригада йил бошидан бери «Марказ — 26» кварталида 6, 7, 8-турар жойларни, Ленин проспектидаги 45 ва 40 квартирали биноларни сифатли пардозлади. Мазкур 36 квартирали турар жой биноси эса бригада коллективининг шу йилги планга қўшимча қурган биноси ҳисобланади.

— Муваффақиятларимизнинг яна бир «сири» шундаки,— деди бригада бошлиғи В. Савельева, — бригадамизда мураббийчилик ҳаракатига катта эътибор берилаётир. Коллективимизнинг малакали сувоқчилари ва бўёқчилари ёшларга касб ўргатишга, уларда қурувчиликка меҳр-муҳаббат уйғотишга муваффақ бўлишмоқда. Расул Авазматов, Тамара Ермакова, Альфия Аминова, Виктор Медведев каби қурувчилар ана шундай мураббийлардандир.

Ленин проспектида қад кўтарган турар жойни битказишда бошқарманинг Иосиф Тимошеев бошлиқ дурадгорлар, Анатолий Гавердов етакчилик қилаётган кошинкорлар бригадаларининг аъзолари ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатишмоқда.

Бошқармамиз қурувчилари янги йилни Аҳмад Дониш кўчасида ҳам тўққиз қаватли турар жой қурилишини туғаллаш билан кутиб олишмоқда, — дейди участка бошлиғи М. Лада.

...Айни кунларда пойтахтимизнинг қайси районига борманг, қурувчилар, монтажчилар, пардозчилар, сантехниклар қувончли зафарларга эришиб, қутлуғ 1979 йилни зарбдор меҳнат билан якунлаш ва янги йилни ёруғ юз билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилишаётганининг гувоҳи бўласиз.

Уй-жой қуриш трести бинокорлари Марказ—17 ва 18 кварталларида 32 квартирали турар жой биносини қабул комиссиясига топширишди. Уйсозлар бу йил худди шу кварталнинг ўзидагина ўнга яқин ана шундай уйларни барпо этишди. Юнусобод, Ғансиқбоев массивларида ҳам кўплаб турар жойлар қурилди.

Пойтахтимизнинг бош қурилиш — «Халқлар дўстлиги» майдони комплексига кирувчи Олмазор микрорайони бунёдкорларининг ҳам ишлари таҳсинга сазовордир. 12-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармаси синчли-панелли 6-турар жойда бинокорлик ишларини тугаллади. Пардоз ишларини Пардозлаш трести 11-қурилиш бошқармаси адо этди. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинати 4-қурилиш бошқармасининг А. Ниёзов бошлиқ бригадаси 90 квартирали ўн биринчи турар жойни монтажлашни тамомлади. Шу комбинатнинг учинчи пардоз ишлари бошқармасида меҳнат қилаётган С. Абдиев, Б. Абдутолипов, Ф. Фарраҳов бошлиқ бригадаларнинг жилокорлари 126 квартирали тўққиз қаватли бинони фойдаланишга топширишди. Куни-кеча бу уйларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб кира бошлашди.

Ҳа, пойтахтимиз уйсозлари қувонч ва ташвишларга бой бўлган 1979 йилни ҳамшаҳарларимизга бир неча мингга яқин қулай, шинам, кўркам уй-жойлар совға қилиш билан якунлашмоқда.

А. НИЁЗОВ.

СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ — 24 февраль

Клуб меҳмонларни кутяпти

Тошкент шаҳрининг Ленин районида бугунги кунда қирқдан ортиқ бинолар деворида йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган «Агитпункт» ва «Сайловчилар клуби» деган сўзларга кўзингиз тушади. Темир йўл транспорти инженерлари институти қошида сайловчиларнинг доимий клуби бу ерга келувчиларни меҳмоннавозлик билан кутиб олмоқда. Клуб хоналари яхши жиҳозланган, кўргазмали агитация, фотовиставка, плакатлар, агитаторларнинг навбатчилик графиклари, иш планлари осиб қўйилган. Стол устида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми, СССР Олий Совети сессияси материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи, хилма хил журналлар, сайловга оид ва сиёсий адабиётлар ёзиб қўйилган.

Бугун клубда унинг раҳбари — институт доценти С. Д. Кучукнинг ўзи навбатчилик қилмоқда. Бу ердаги Институт атрофида яшаётган аҳоли ўртасида оммавий-агитация ишларини олиб боришда у катта тажриба орттирган. Семен Даниловичнинг ўзи кўп йиллар агитаторлик қилди. Кейинги уч чақириқдан буён агитаторлар коллективига раҳбарлик қилмоқда.

— Клуб ўз фаолиятини партия ташкилоти билан яқиндан алоқа боғлаган ҳолда планлаштирмоқда, — дейди клуб раҳбари. Бу — бизга ишнинг кўпгина янги, қизиқарли формаларини топиш имконини бермоқда.

Масалан, сайлов кампаниясига тайёргарлик кўришдан олдин биз оммавий-маданий тадбирлар ўтказишга Маданият саройи ва унинг активини, лекция пропагандасига эса «Билим» жамиятини, фильмлар намойиш этишга — кино ходимларини жалб этдик.

Семён Данилович бизни клубнинг иш плани билан таништирди. Унда оғзаки журналлар, савол-жавоб кечалари, лекциялар, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари, ишлаб чиқариш новаторлари, уруш ветеранлари, район раҳбарлари билан учрашувлар қайд этилган. Бундай тадбирларга кишилар бажонидил келиб туришади. Чунки бу ерда кўпгина ва хилма хил савол-жавоблар бўлади. Мамлакатимизнинг ички сиёсати ва халқаро аҳвол, СССР Конституцияси, гражданларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, шаҳримиз ва районнинг ривожланиш истиқболлари тўғрисида сўз юритилади. Клубда район прокуратураси, юристидан консультация олиш, врачлар билан маслаҳатлашиш мумкин.

Биринчи бор овоз берувчилар учун эса, «Ёш сайловчи куни»ни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Йигит ва қизлар ҳузурида районнинг кекса сайловчилари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари сўзга чиқадилар. Ёш сайловчилар клубда СССР Конституциясига, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумига бағишланган виставкалар билан танишадилар.

Агитаторлар кишиларни у ёки бу ўтказиладиган тадбирлар билан олдиндан таништирадилар. Шунинг учун ҳам кишилар белгиланган пайтда клубга келадилар. Сайловчилар билан иш олиб бориш учун актив, ташаббускор кишилар танланган.

— Коллективимиз ўртасида ажойиб агитаторлар бор,— дейди С. Д. Кучук. —Масалан, институт ходимларидан М. Одилов, Г. А. Козлов, Т. В. Мясников каби кўпгина агитаторлар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонишган.

Район партия комитети қошидаги назарий семинарлар бизга ишимизни яхши ташкил этиш имконини бермоқда. Ҳозиргача бир неча машғулот ўтказилди. Булар—«Маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказишда агитколлективларнинг вазифалари тўғрисида» ҳамда «Сайловчилар клублари ва агитпунктларнинг фаолиятида оммавий-сиёсий ишларнинг формаларидан фойдаланиш»га бағишланди. Шунингдек, клубларнинг раҳбарлари ва агитпунктлар мудирларининг тажрибалари ўртоқлашилди. Шу кунларда сайловчилар клублари ва агитпунктларда чироқлар алламаҳалгача ёниб турибди. Уларда олиб борилаётган доимий тарбиявий ишларнинг натижалари кишилар сиёсий онгининг ўсишида, улар меҳнат фаолияти ва маданий даражасининг ўсишида, дунёқарашининг кенгайишида ўз аксини топмоқда.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг инструктив йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов очди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Советлар бўлими мудирининг ўринбосари Н. Н. Русскин сўзга чиқди. У Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик ҳамда уни ўтказишда округ сайлов комиссияларининг ишлари тўғрисида гапирди, йиғилиш қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

ЛЕНИН ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯЛАР

Тошкент тикувчилари Маданият саройи ҳузуридаги сайловчилар клубида Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб, ижтимоий-сиёсий мавзуларда лекциялар ўқиш бошланди. Йўлбошчининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги биринчи лекцияда қарийб 200 киши қатнашди.

«Театр саҳнасида, кинода, адабиётда улуғ образ» деган мавзуда кеча ўтказишга тайёрланилмоқда.

(ЎзТАГ).

Жамоатчилик ёрдамида

Кеча шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Киров район партия комитетининг иккинчи секретари, район кўнгилли халқ дружиналари штаби бошлиғи Г. Л. Зарубиннинг Киров район кўнгилли халқ дружиналарининг ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича ахборотини ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Х. Хошимовнинг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг квартиралардаги ўғирликларнинг олдини олиш бўйича олиб бораётган ишлари хусусидаги ахбороти тингланди.

Мажлисда кўнгилли халқ дружиналарининг 1980 йилнинг биринчи квартали иш плани ва навбатчилик графиги тасдиқланди.

ҚИШКИ КАНИКУЛ БОШЛАНДИ

Бахтиёр фарзандларимизни энг қувонтирадиган, уларни ҳаяжонлантирадиган дамлардан бири —қишки каникулдир.

БУГУН

Тошкент шаҳар мактабларида 1979—1980 ўқув йилининг иккинчи чораги тугаганлигидан дарак берувчи сўнгги қўнғироқлар жаранглади. Шундай қилиб, шаҳримиз мактабларининг 250 мингдан зиёд ўқувчиси каникул кунларини мазмунли ва завқли ўтказади.

Бунинг учун Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси ходимлари, мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг коллективлари каникулни соз ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишларини кўрдилар.

Пойтахтимизнинг Ленин номли майдонида ўрнатилган энг баланд ва фусункор арча болалар маросимларининг марказий жойига айланади. Бундан ташқари Горький номли болалар боғида ташкил этиладиган болалар буюмлари бозори, маданият саройлари ва пионер уйларида ўтказиладиган арча байрамларига жуда кўп фарзандларимиз таклиф этилган.

Одатда қишки каникулда саёҳатларга, походларга чиқиш ҳам мароқли бўлади. Тошкент область касаба союзлари совети бу ҳақда ҳам муносиб тайёргарлик кўрди. Ўн минглаб юқори синф ўқувчилари мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган туристик саёҳатларда қатнашадилар. Шаҳримизнинг 88, 147, 223, 103-мактабларининг ўқувчилари Ленинград шаҳрида бўлишади. 9-мактаб пионерлари эса Минск ва Брест шаҳарларини зиёрат қилишга йўлланма олишган. 69-мактаб ўқувчилари Москвага, 199-мактаб болалари эса Киевга таклиф этилган.

Пионер саройлари ва пионерлар уйлари бадиий ҳаваскорлик ансамблларининг қатнашчилари ҳам тенгдошларини мамнун этиш ниятида махсус программаларда концертлар тайёрлашди. Крупская номли пионерлар ва ўқувчилар саройининг «Саёҳатчи арчалари» шаҳримиз корхоналари бўйлаб сафарга чиқади. У Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи, каноп фабрикаси, автомобиль ремонти корхонаси, қишлоқ хўжалиги механизацияси давлат махсус конструкторлик бюроси, ўйинчоқлар фабрикаси сингари кўплаб корхоналар ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари ҳузурига бориб томошалар кўрсатишади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ АҲОЛИСИ

Шу йил январь ойида давлат статистика органлари ўтказган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг дастлабки якунлари 1979 йил майида матбуотда эълон қилинганди. Ҳозирги вақтда СССР Марказий статистика бошқармаси рўйхат материалларининг биринчи навбатини ишлаб чиқиб бўлди. Бу материаллар аҳолининг жинси, никоҳда бўлиши, маълумот даражаси, миллати ва тили, тирикчилик манбаи, оилаларнинг сони ва катта-кичиклиги жиҳатидан сони ва составини ифодалайди.

1979 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИНИНГ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон ССРнинг аҳолиси 1979 йилнинг 17 январигача 15 миллион 391 минг кишига етган. 1970 йилда ўтказилган бундан аввалги рўйхатга нисбатан аҳоли 3 миллион 592 минг киши ёки 30 процент кўпайган. Аҳолининг йиллик ўсиши ўрта ҳисобда 3,3 процент бўлган. Республиканинг ҳамма областларида аҳоли сони кўпайган.

Республиканинг шаҳар аҳолиси 4 миллион 322 минг кишидан 1979 йилда 6 миллион 348 минг кишига етган ва республика аҳолисининг 41 процентини ташкил қилган. Бундан аввалги рўйхатда 37 процентини ташкил қилган эди.

Қишлоқ аҳолисининг салмоғи 1970 йилдаги 63 процентдан 1979 йилда 59 процентга қадар камайган. Бунга сабаб шуки, қишлоқ аҳолисининг бир қисми шаҳарларга кўчиб борган, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарларга айлантирилган. Бу объектив жараён саноат ва транспортнинг тараққиётига, қурилиш ишлари, механизациянинг кенг қулоч ёйганлиги ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ошганлигига боғлиқдир.

Маълумот, маданият даражасининг, мутахассислар тайёрлашнинг муттасил ўсаётганлиги — совет кишилари ҳаётининг ажралмас хусусиятидир. Ҳозир республикада ёшларнинг умумий мажбурий ўрта таълими амалга оширилмоқда. 1979 йилги рўйхат бўйича олий ва ўрта (тўла ва тўлиқсиз) маълумотли ҳамма кишиларнинг сони 7019,7 минг киши бўлган ва 1970 йилга нисбатан қарийб икки баравар кўпайган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг маълумот даражасида анча яқинлашиш рўй берди. 1970 йилда ишлайдиган аҳоли ўртасида ҳар минг киши ҳисобига шаҳарда 734 киши, қишлоқда 613 киши олий ва ўрта маълумотли бўлган. 1979 йилда шаҳарда ишлайдиган ҳар минг кишидан 873 киши, қишлоқда 829 киши шундай маълумотли бўлган.

Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Рўйхат чоғида савол-жавоб қилинган кишилар қайси миллатга мансублиги ва тилини ўзлари айтадилар. 1970—1978 йиллар мобайнида республикадаги ғоят кўпчилик миллатлар ва элатлар аҳолисининг сони кўпайди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, жами аҳолининг 95,6 проценти ўз миллати тилини ва 4,4 проценти СССР халқларининг бошқа тилларини она тили деб ҳисоблайди. Барча совет халқларини бир-бирои билан муттасил яқинлаштириб, уларнинг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жараёни давом этаётган бир пайтда рус тили муҳим роль ўйнайди. 1970 йилги рўйхат вақтида Ўзбекистондаги турли миллат ва элатларга мансуб 1812,2 минг киши рус тилини бемалол биладиган иккинчи тил сифатида кўрсатган эди. 1979 йилда уларнинг сони кўпайиб, 7179,7 минг кишига етган.

1979 йилги рўйхат якунларида оилаларнинг сони ва катта-кичиклиги тўғрисидаги маълумотлар бор. Жами 2647,5 минг оила ҳисобга олинган бўлиб, шуларнинг 13,4 проценти 2 кишидан, 14,3 проценти 3 кишидан, 16,3 проценти 4 кишидан ва 56 проценти 5 ва ундан кўпроқ кишидан иборат оилалардир. Оиланинг ўртача катталиги (биргаликда яшовчи оила аъзолари) умуман республикада 5,5 кишидан, шаҳар аҳолиси ўртасида 4,6 ва қишлоқ аҳолиси ўртасида 6,2 кишидан иборат бўлди.

1979 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, 5508 минг эркак ва аёл никоҳда бўлган. 1970 йилга нисбатан уларнинг сони 1288,1 минг киши ёки 30,5 процентга ошган.

Рўйхат якунларига кўра, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони 6201,1 минг кишини ташкил этган ёки 1970 йилга нисбатан 46 процент кўпайган.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати материалларини ишлаб чиқиш давом этмоқда.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси.

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Керимова Ульвие Нуриевна — 5-поликлиника Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Мавлонхўжаева Фароғат — 5-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Музаффаров Шосалим — 5-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Мирраҳимова Турсуной — 5-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Семёнова Лариса Степановна— 5-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Темиров Мирза Темирович — 5-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

85-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Грешников** Виктор Романович — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Аванов** Сурен Александрович — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Комолова** Татьяна Николаевна — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Васильев Владимир Дмитриевич — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Елефтериади Светлана Николаевна — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Лошчинина Тамара Семёновна — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Малофеева Наталья Владимировна — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Ментюков Жери Георгиевич — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Оганова Седа Арсеньевна — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Ричаков Владимир Михайлович — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Рубо Николай Михайлович — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Скородумов Эрнест Анатольевич — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Яновская Зуҳра Хусановна — ихтисослаштирилган ишлар бошқармаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

86-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Лаврова** Ольга Ивановна — Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Умаров** Хусан Турсунович — Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Секретарь — **Богомолова** Татьяна Владимировна — товар экспертизаси Тошкент бюроси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдуллаева Эльвира Набибуллаевна — товар экспертизаси Тошкент бюроси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Одилов Собиржон — товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Қориев Наримон Аброрович — товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Қосимов Валижон Хошимович — Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Корсовская Тамара Ивановна— товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Мамутов Маҳмуд Муҳамедович — товар экспертизаси Тошкент бюроси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Нажимов Хусниддин Зиёмуддинович — товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Нажмиддинов Абдусамат—товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Рашидова Эвелина Георгиевна — товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Хусанов Неъматилла Хамидович — товар экспертизаси Тошкент бюроси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

87-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Тўлахўжаева** Муҳаббат Тўлаевна — санъатшунослик институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ҳакимов** Акбар Абдуллаевич — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Зиганшина** Нелли Абдураҳмоновна — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Одилова Раъно Йўлдошевна — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Обидов Тўлқин Холматович — санъатшунослик институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Исмоилова Эльвира Маъруфовна — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Леонтович Ирина Анатольевна — санъатшунослик институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Мухторов Элдор Аҳкадович — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Носирова Гаман Расуловна — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Саркисянц Елена Рафаиловна —санъатшунослик институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Файзираҳмонова Марва Маҳмудовна — санъатшунослик институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Ҳамдамова Мубошира Султоновна — санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Йўлдошев Тоҳир Исмоилович— санъатшунослик институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

88-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Денисенко** Иван Максимович— «Узбексельмаш» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Лобенко** Виктор Николаевич — «Узбексельмаш» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — Рибина Надежда Алексеевна — «Узбексельмаш» заводи бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Отажонов Санжар Мирзаевич— «Узбексельмаш» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Давиденко Любовь Михайловна — «Узбексельмаш» заводи Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Каверин Валерий Иванович — «Узбексельмаш» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Кальниченко Светлана Михайловна — «Узбексельмаш» заводи бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Кравцов Владимир Григорьевич — «Узбексельмаш» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Кринская Бэлла Иосифовна — «Узбексельмаш» заводи бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Мизонова Надежда Егоровна— «Узбексельмаш» заводи Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Панферова Валентина Николаевна — «Узбексельмаш» заводи бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Степаненко Владимир Владимирович — «Узбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Шалашин Сергей Николаевич — «Узбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

89-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Солихова** Раиса Каримовна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Павлецова** Рива Георгиевна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Волкова** Нина Петровна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Алимова Гулбаҳор Парпиховна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Абубакиров Болтабой — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ғиёсова Хуриниса Ниғматжоновна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Горбунова Клавдия Николаевна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Горобец Вероника Валерьевна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Грибкова Людмила Николаевна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Кориева Гулноза Отабоевна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Лидовская Любовь Николаевна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Пишкова Надежда Петровна — «Узбексельмаш» заводи медицина-санитария пункти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Балашова Галина Ивановна — «Узбексельмаш» заводи медицина санитария пункти ишчиларидан.

90-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Ҳалимова** Роза Саматовна — алоқа электротехника институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Подольская** Елизавета Львовна — алоқа электротехника институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Гедзюк** Светлана Васильевна — алоқа электротехника институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдураҳмонова Лола Ҳакимовна — алоқа электротехника институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Отамуҳамедов Муҳаматнозим Боқижонович — алоқа электротехника институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Богданова Наталья Георгиевна — алоқа электротехника институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Жихарева Галина Ивановна — алоқа электротехника институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Зверев Игорь Николаевич — алоқа электротехника институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Куликов Геннадий Михайлович — алоқа электротехника институти профессор-ўқитувчилар составе ва студентлардан.

Сайфулин Рифат Абдухайевич —алоқа электротехника институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Шашков Александр Константинович — алоқа электротехника институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Йўлдошев Икром Исломович— алоқа электротехника институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Яковлев Олег Евгеньевич — алоқа электротехника институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

91-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Александров** Андрей Андреевич— Граждан мудофааси штаби бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Абдусаматов** Баҳодир Каримович — Граждан мудофааси штаби бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь— **Шчербакова** Евгения Александровна — Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Охунов Сирожиддин Тожиддинович— Граждан мудофааси штаби Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Агасиев Семён Авакович — Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Безбородов Виктор Павлович— Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Бурчанинова Нина Ивановна— Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Генеатуллина Зинаида Михайловна — Граждан мурофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Захарова Мария Федоровна — Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Красовских Мария Петровна— Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Овсяник Николай Иванович — Граждан мудофааси штаби бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Селина Валентина Николаевна—Граждан мудофааси штаби бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ядришникова Надежда Николаевна — Граждан мудофааси штаби— Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

92-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси—**Латипов** Ноил Толипович — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Резник** Лев Исакович— СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Неъматов** Асатулла Назирович— СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Базарова Людмила Григорьевна— СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Бароус Ирина Георгиевна — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Зайнутдинов Зиёвуддин Назирович— СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзи бошланғич ташкилотидан.

Залётний Эдуард Леонидович— СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Насриддинов Муҳиддин Бадриддинович —СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Соколова Раиса Васильевна — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Ли Татьяна Афанасьевна — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Тян Клавдия Моисеевна — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Франк Татьяна Ильинична — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Низомиддинова Римма Эриковна— СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ Тошкент комплекс лойиҳа устахонаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

93-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Дубровин** Арнольд Алексеевич— В. И. Ленин музейи Тошкент филиали бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Исмоилов** Раҳимжон Усмонович— В. И. Ленин музейи Тошкент филиали бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь— **Ҳамидова** Муаззам— В. И. Ленин музейи Тошкент филиали бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Асанов Султон Ермеханович— В. И. Ленин музейи Тошкент филиали Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Бабаев Владимир Мирзақулович— В. И. Ленин музейи Тошкент филиали бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Зайкин Виктор Николаевич — В. И. Ленин музейи Тошкент филиали бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Комилов Собир — В. И. Ленин музейи Тошкент филиали бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Каримов Собиржон Абдумўминович — В. И. Ленин музейи Тошкент филиали Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

